

Бангладеш университети ўқитувчиси Исломни қабул қилди



09:20 / 09.03.2021 2462

Жаганнат университети (ЖУ) давлат бошқаруви кафедраси ассистенти Риту Кунду 29 йил давомида қиёсий дин бўйича олиб борилган тадқиқотлардан сўнг Исломни қабул қилди.

У facebook ижтимоий тармоғига ўз видеосини юклади ва Исломни қабул қилгани ҳақида маълумот берди.

«29 йилдан сўнг мен Қуръони Каримнинг бангалча таржимасини ўрганмоқдаман. Бундан ташқари, Ҳадис ҳам ўқидим. Аллоҳнинг хоҳиши билан Исломни қабул қилдим» дейди Риту Кунду. — Биласизми, бу ҳақда ҳеч қачон орзу қилмаганман. Бу кўпчилик учун ақл бовар қилмайдиган бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Намоз ўқишим кераклигини англадим. Оилам

ва дўстларимнинг қаршиликларига қарамай, мен Исломни қабул қилишга қарорим қатъий эканлигини уларга айтдим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни севиб қолдим. Нима учун у бизга ажойиб маслаҳат ва кўрсатма берганини тушундим ва Аллоҳга таслим бўлдим.

Риту Кунду Нилпхамари номли ўрта мактабни тамомлаб, коллежда ўқишни давом эттиради. Кейинчалик Дакка университетининг ижтимоий фанлар факультети давлат бошқаруви бўлимида бакалаврият ва аспирантурани тугатади.

2013 йилда у Рангпур шаҳридаги Бегум Рокея университети давлат бошқаруви бўлимида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

2017 йилдан бери Жаганнат университети давлат бошқаруви бўлимида дарс бериб келмоқда.

Хуршид Маъруф тайёрлади